

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

“ФАРМАЦИЯДА ТАЪЛИМ, ФАН
ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ
ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ”

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН
МАТЕРИАЛЛАРИ

МАТЕРИАЛЫ
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ

“АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ
ОБРАЗОВАНИЯ, НАУКИ
И ПРОИЗВОДСТВА В ФАРМАЦИИ”

Тошкент-2009

Таҳрир ҳайъати:

Раис: Юнусхўжаев АН.

Аъзолар: Шабилолов А.А.
Аминов С.Н.
Расулова С.А.
Файзуллаева Н.С.

Туркистон арслонқуйруғи ўсимлигидан иридоид сақловчи дори воситасини олиш ва стандартлаш

Т.П. Пўлатова, Ш.Мамарахимова

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш, Ўзбекистон Республикаси

Ишнинг мақсади: кейинги вақтда доривор ўсимликлардан биофаол моддалари сақлаган фитопрепаратларни олиш ва амалиётга тақдим қилишга катта эътибор берилмоқда.

Иридоидларни биологик фаоллигини валериана ўсимлиги мисолида исботланиши ва Туркистон арслонқуйруғини фармакологик таъсирини валериана ўсимлигига ўхшашлиги, Туркистон арслонқуйруғидан иридоид сақловчи фитопрепарат олишни ўз олдимишга мақсад қилиб қўйдик. Туркистон арслонқуйруғи-*Leonurus turkestanicus* V. Kreez et Kupr Ўзбекистон вилоятларини тоғли туманларида кенг тарқалган бўлиб, уни ер устки қисмида 1,5% гача иридоидлар сақлайди.

Усуллар: иридоидларни сувда яхши эришини ҳисобга олиб, қуйидаги усулда иридоид сақловчи дори воситаси олинди: 100 г майдаланган хом ашёга 1 литр сув солиб 30 минут қайнатилди. Аралашма совитилиб, икки қават марли орқали сузилди ва тиндирилди. Фильтрат қуруқ қолдиқ қолгунга қадар буғлатилди. Қуруқ қолдиқ эксикаторда доимий оғирликгача қуритилди ва тортилди. 20 г қуруқ қолдиқ - "Қуруқ экстракт" олинди.

Натижалар: "Қуруқ экстракт" тўқ жигарранг, ўзига хос ҳидга ва аччиқроқ мазага эга бўлган гигроскопик кукун.

"Қуруқ экстрактни" намлиги 5% дан, оғир металллар 0,01% дан ошмаслиги керак. "Қуруқ экстракт"ни таркибидаги иридоидлар миқдори қуйидаги усулда аниқланди: 0,1 г аниқ намуна, 0,05 г CaCO_3 ни 10 мл ҳажмли колбага солиб аралаштирилди ва 50% этил спирти солиб қайтарувчи совуткич билан бирлаштирилиб, 30 минут қайнаётган сув ҳаммомида экстракция қилинди. Фильтрат петролей эфири билан чайқатилиб балласт моддалардан тозаланди ва ҳажм 100 мл га етказилди (А эритма).

10 мл ўлчов колбасига 1 мл А эритмадан 5 мл Шталь реактиви ва 1 мл концентранган сульфат кислотаси солинди ва аралашма қайнаб турган сув ҳаммомида 1 минут қиздирилди. Аралашма совитилиб, ҳажми сув билан 10 мл га етказилди. Аралашмани оптик зичлиги фотоэлектроколориметрда 5 мл қалинликдаги кюветага солиб, сариқ светофильтр ёрдамида аниқланди. Солиштирувчи сифатида сув қўлланилди. Текширилаётган "қуруқ экстракт" таркибидаги иридоидлар миқдори гарпагид (0,04-0,6 мг%) ёки хлорид никел $\text{NiCl}_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$ (0,8-1,2%) бўйича тузилган калибровкали график ёрдамида аниқланди ва "Қуруқ экстракт" таркибида иридоидлар миқдори 5% дан кам бўлмаслиги белгиланди.

Хулосалар: Туркистон арслонқуйруғи ер устки қисмидан иридоид сақловчи дори воситаси сув билан олинган "Қуруқ экстракт" деб топилди ва стандартланди.